

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ХАЛҚАРО БАНКЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

6 сентябрь куни Тошкентда халқаро банклар конференцияси иш бошлади. Бу анжуманда жаҳондаги олтинмига яқин йirik банк ва халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этишмоқда. Конференциянинг мақсади Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл сармоясини кўпроқ жалб этишга қўмақлаштириш, хорижий сармоядорларни иқтисодий ислохот ва ўлкамизнинг ички имкониятлари билан яқиндан таништиришдан иборат.

Конференциянинг Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг биринчи вице-президенти Рональд Фриман очди. У мана шундай йirik анжумани ўтказиш учун барча шарт-шароитни яратиб бергани учун Президент Исом Каримовга, мамлакат ҳукуматига миннатдорлик изҳор қилди. Халқаро банк-

лар ва молия ташкилотлари билан ҳамкорлик Ўзбекистон иқтисодиётини мустақиллашга ёрдам беради, деб ишонч билдирди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Исом Каримов мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, чет эл сармоядорлари

учун яратилган шарт-шароит, халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари хусусида гапирди, берилган қўллаб-қувватларга батафсил жавоб берди.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А. Муталов ва бошқа расмий кishилар иштирок этишди.

Шундан сўнг конференциянинг ялпи мажлиси бошланди. Унда Швейцариянинг «ЮБС» банки ижроия гуруҳи аъзоси К. Янйори, Германиянинг «Дойче банк» директорлар негашин аъзоси

Г. Крупп, Швейцариянинг «Ферст Бостон» «Креди свисс» банки президенти Х. Рудлофф, АҚШнинг «Нью-монт майнинг» корпорацияси бошқаруви раиси Г. Паркер ва бошқалар ўз режалари ҳамда Ўзбекистон билан ҳамкорлик истиқболлари хусусида сўзлашди.

Тўшдам кейин конференция қатнашчилари «Лойиҳаларни маблаг билан таъминлаш», «Экспортнинг маблаг билан таъминлаш», «Ўзбекистонда банк тизимини ривожлантириш истиқболлари» бўлимларида ўзаро мулоқотларни давом эттирдилар.

(73А).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚАРО БАНКЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хурматли раис жаноблари! Хурматли хонимлар ва жаноблари!

Республикамиз давлат ва маънавий мустақиллигини қўлга киритганининг икки йиллигини нишонлаётган шу кунларда сизларни Ўзбекистонда самимий қутлайман. Мамлакатимиз ва унинг молия ташкилотларининг халқаро молия-кредит муносабатлари тизимига қўшилишига бўйсинилган бу муҳим конференцияда иштирок этиш таълифини қабул қилганингиз учун барчангизга миннатдорлигимни билдираман.

Мустақил давлат қуриш йўлида ўтган икки йил биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга:

— мамлакатимиз ҳамда хориждаги қатор социолар ва сисбатчиларнинг башоратларига аид ўлароқ, биз жамиятда сисбатчиларнинг маънавий мустақиллигини таъминлаш, ишчиларнинг тафаккурини янги қадриятлар сари йўналтириш учун барча ишни қилдик;

— республикада ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг ҳаётийлиги таъминланди, эркин бозор муносабатлари принципларига асосланган демократик жамият

қуришнинг мустақам асоси яратилди;

— шу қисқа вақт ичда Ўзбекистон жаҳон ҳамма-мийатининг сисбатчиларини қозонибгина қолмади, жаҳоннинг ишбилармон, хусусан, молиявий доиралари ҳам Ўзбекистонга қатта қизиқиш билан қарайдиган бўлиб қолди.

Ўзбекистон собиқ СССР маркази таъйинланган қўлга, жадал олдими билан олдинга қараб бораётган, аммо ҳали халқаро капитал ўзлаштириб улгурмаган бозорлар, Республика ноб табиий бойликларга, қўдратли иқтисодий ва илмий-техникавий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Тарихнинг ўзи Ўзбекистонга Евроосийнинг Гарбин Шарқ билан, Жанубини Шимол билан боғлайдиган асосий йўллари чорраҳасидан жой тайин қилган. Республикамиз товарлар, капитал ва хизмат қўрсатишнинг халқаро йўлида ўзинга хос марказ бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Янгиланиш ва тараққиётда ўз йўлини танлаш — мураккаб, тарихий аҳамиятга эга ва масъул иш десам, фикримга қўйиласизлар, деб ўйлайман. Ҳозирда ҳаёт кishиларнинг таъдирини эсимас, ҳалқимизнинг келажак

авлодлари таъдирини ҳам танлаш йўлининг нақадар тўғрилигига бевосита боғлиқ.

Ўзбекистоннинг танлаган йўли конституцион асосга эга, республика манфаатлари, шарт-шароити ва хусусиятларига тўла мос келадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Ўзбекистонда ўтказилган иқтисодий ислохотлар стратегияси қўйилган беш принциплга асосланган:

1. Иқтисодиётнинг мафкура ақидаларидан ҳоли қилини;

2. Бош ислохотчи — давлат;

3. Ҳаётнинг барча жаҳдларида қонуний ҳукмронлиги;

4. Кучли ижтимоий сисбатни амалга ошириш;

5. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Бугунги кунда бу принципларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сисбатчиларнинг, энг муҳими эса, бозор муносабатларини жорий этиш сари изчил ҳаракатни таъминлайпти.

Ислохотларнинг ишлаб чиқилган андозаси маъхум тадқиқотлар меваси эмас, аксинча, мавжуд воқеаликка асослангандир. Жаҳоннинг 70 мамлакатидан 1500 на-

фар йirik олим ва ишбилармонлар вакиллари иштирок этишди. Москвада ўтказилган халқаро иқтисодий уюшманинг Х жаҳон конгресси қатнашчилари Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш дастури собиқ иттифоқ республикалари орасида энг самарали эканлигини эътироф этганлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Умрини яшаб бўлган биронта тузум қаршилиқсиз ўз жойини бўшати бермаслиги, биронта янги тузум қийинчиликларсиз оёққа тура олмаслиги еналарга яхши маълум. Шундай бўлса ҳам, Ўзбекистон ўз Мустақиллигини мустақамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш йўлидан четга чиқмайди, деб яна бир бор очик айтмоқчиман.

Бундай дейиш учун барча асосларимиз бор. Улардан энг муҳимларинигина санаб ўтаман:

— бозор муносабатларини жорий этишнинг ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилган, хусусийлаштириш жараёни авж олдириб юборилган.

— Давлат дотация берадиган нарк-наво рўйхати қисқармоқда.

(Давомин иккинчи бетда).

ДОЛЗАРБ МАВСУМ ТАРАДДУДИ



Риштон районидagi «Йилма» жамоя хўжалигида уста пахтакорлар кўп. Бригада бошлиғи Солижон Ҳамроев шулардан бири. Жамоя аъзолари 51 гектар майдонда гўза парварниш қилиб, мўл ҳосил этиштирдилар. Заршунослар режадаги 24,1 центнер ўрнига 30 центнердан оқ олтин йиғиштириб олиш учун меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: бригада бошлиғи С. Ҳамроев ижарачи Г. Тўраев билан гўза баргини тўктириш ишлари тўғрисида фикрлашмоқда.

У. ҚУШВҚОВ олган сурат.

МЎЛ ҲОСИЛ ИШТИЁКИДА

Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида ери-ерига тўташ, ёни-ён ички хўжалик бор: бири — «Коммуна», иккинчиси — «1 май». Бу жамоя хўжаликлари аҳолиси бир анжордан сув ичиб, бир кўчада байрам қилишади.

«1 май» жамояси кўп соҳали ва сардормад хўжалик. Жамоя саркори Мадамнижон Йўлдошевнинг кўзини биландиган, тадбиркор деҳқон, етти ўлчаб бир кесадиган рақбарлар сирасидан. У буйруқ-бозорнинг ётирмаси, одамлар кўнглига йўл топиб ширитишни тўш қўяди. Бу халқни энг жолашган жамояда ҳар бир ишнинг олаги ширинида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хўжалик ҳосилоти Бахтиёржон Исромолов билан сўзлаш чоғида шу нарса маълум бўлди: деҳқончилик қилишмоқда. Асосий майдонини пахта ташкил этади. 43 гектар ерда эса боғ.

Бугунги кунда бу ерда ҳам пахтакорлар мўл ҳосил тўлаш иштиёкида меҳнат қилишмоқда. Каримжон Ҳайдаров, Пулатжон Мадалиев, Ботиралли Юнусов етакчи бўлган бригадада гўзалар барзанг ривожланимоқда. Серроҳ гўза тулпариди бўлиқ кўсалар тобора етилиб, долзарб терим мавсуми яқинлашган дарак бўлмоқда. Мажмууд 11 та бригаданинг ҳаммасида шу куннинг юмушлари қизғин олаб боришмоқда. Табикики, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга таъйинланган тугаллаш ва унм ушқоқлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисида» қарори жамоя меҳнат аҳлини нига янада маъсул этиб билан ёндашмиш тақозо қилмоқда. Хўжалик заршунослари мустақил Ўзбекистоннинг икки йиллик негиз ишланган кўтүлү йилда ҳосилдорлиқни 31 центнерга етказишга аҳд қилган.

А. АСКАРОВ.

ПАХТА ТАНЛАБ

ТЕРИЛМОҚДА

Олот туманидаги «Бухоро» жамоя хўжалиғи иришкорлар пахтаини танлаб теришга киришди. Бешим Сутонов, Фармон Оқиев, Амина Рўзиев бошлиқ бригадаларда терим кун сайин авж олмақда. Бу ерда ҳосилнинг ярни машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Шу маъсадда 500 гектардан эъед майдонда гўза баргини тўктириш.

Бухоро вилоятининг Қорақўл, Янқорон, Қогой, Қорондубор туманларидagi хўжаликларда ҳам пахта терини бошлашмоқда.

(73А).

Пахта йиғиш-терини — долзарб мавсум учун гўяда қисқа вақт қолтиш. Шунинг ҳисобига олган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «1993 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга таъйинланган тугаллаш ва унм ушқоқлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Жойлардан хўжаликлар жамоялари ушбу қарорини мажбурий билан қўйиб олдилар. Унда қўйилган талаблар асосида чора-тадбирлар белгиланмоқдалар. Қўянда Шеробод районидagi Н. Муродов номида давлат хўжалиғи пахтакорларининг йиғиш-терини ушқоқлик билан ўтказиш тадбирлари чоп этилди.

ТЎҚСОН ФОИЗИ МАШИНАЛАРДА

Қўлга киритилган истиқ-долимизни мустақамлаш эндиликда ҳар биримизнинг ҳамма-мийатини ва фидойилик билан қилаётган меҳнатимизда, етиштирилаётган махсулотнинг мўл-кўл бўлишига боғлиқ. Халқимиз дастурхониде ҳар кил ноз-неъматлар сероб бўлиши учун серқўшқ Ўзбекистонимиз айланиб, воҳамиз бой имкониятга эга. Ана шу бойликлар ичиде ҳаммамизнинг устимизни бут, қорнимизни тўқ қиладиган алоҳида хазинамиз борки — уни фахр ва ифтихор билан оқ олтин, деймиз. Бозор иқтисодиёти шароитида унинг қадр-қиммати янада кўтарилади. Шу таразда хўжалигимизда гектардан режадаги 31 ўрнига 38 центнердан хирмон кўтариш мўл-жалланмоқда. Ени режадаги 8350 тонна ўрнига 10,5 минг тонна сифатли пахта териб оламиз.

Халқимизда даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб, деган ҳикмат бор. Бунинг маъноси шунки, ёз бўйи қилинган меҳнат натижаси — ҳосилни нобуд қилмасдан, ушқоқлик билан ўз вақтида йиғиштириб олмасак, қўзланган маъсадга еришмайди. Шу боис яқинда хўжалик фаоллари, мутахассислар, тажрибали деҳқонлар билан биргаликда пахта терим мавсумини ушқоқлик билан ўтказиш тадбирларини белгилаб, муҳоама қилиб, маъқуллаб олдик.

Деҳқонларимизнинг таъкидлашларича, ҳосил бултуридан 10—15 кун барнакт пишалапти. Биз терим мавсумини қисқарттириш учун

аввало мавжуд техникадан оқиллона фойдаланамиз. Далаларимизда ишлатиладиган 80 та терим машинаси сифатли таъмирланди. Уларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш маъсадида 120 тонна ёқилғи жамғариш чорасини кўриб қўйдик. Механик-ҳайдовчиларимиз амалдаги йилда ялпи ҳосилнинг тўқсон фоизини техника ёрдамида йиғиштириб беришни зиммаларига олишди. Биз ёқилғи тақчиллигини ҳисобга олиб, ҳар йилгидек машиналарни далага уч-тўрт мартадан эмас, бор-йўғи икки марта киришиб, ҳосилнинг асосий қисминини йиғиштириб оламиз.

Терим машиналаридан таъқир ҳозир мавсумда гўза баргини тўқинида ишлатиладиган 14 та пуркагич, 8 та қўрак териш, 14 та қўрак чувиш, 15 та пахта юлгагич, 69 та темир арава таъйир ҳолда. Гўза баргини тўқинида ишлатиладиган

хлорат магнийни тахт қилиб қўйганмиз. Мутахассисларимиз деҳқонлар билан масала қўзлашган ҳолда гўза баргини тўқинида 10 сентябрда киришадилар. Машина термини 22 сентябрда бошлади. Йиллик режани 25 иш кунига, ўзоғи билан 15 октябргача бажарамиз.

Белгиланган тадбирлар, албатта, ўз-ўзидан бажарилмайди. Уни хўжалик меҳнатчилари амалга оширишади. Шунинг учун хўжалик раҳбарлиги, ишчилар қўмитаси биргаликда дала меҳнатчиларига ғамхўрлик қўрсатиш тўғрисида қайғурмоқда. Озиқ-овқат махсулотларини таъминоти яхши йўлга қўйилган. Терим мавсумида иккита сайёр дўкон уларга намунали савдо хизмати қўрсатади. Ўйимларда 20 та мавсумий бошлар бoғча-чи ишлайди. Уларни озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашнинг хўжалик ўз зиммасига олади.

Биз терим мавсумини намунали ўтказишда механик-ҳайдовчилар, теримчилар, пахтаини ташишда, юкланда иштирок этаётганлар ўрта-қисда ўзаро беллашувини йўлга қўйиб, қолбларини ҳар ўн кунда моддий жиҳатдан рағбатлантириб борамиз.

Ш. БЕККЕЛДИЕВ, Н. Муродов номида давлат хўжалиғи директори.

М. МИРЗАЕВ, хўжалик бош ҳосилоти.

Ф. МАМАТҚУЛОВ, хўжалик бош муҳандиси.

А. ТИЛОВОВ, хўжалик ишчилар қўмитасининг раиси.

РЕЖА УДАЛАНДИ

Қумқўрғон районидagi «Қумқўрғон» жамоя хўжалиғининг Қоржон Бонтов бошчилик қилаётган оқиланг зено аъзолари йиллик пахта таъйирлаш режасини Сурхондарё

вилоятда биринчи бўлиб удаладиладар. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан йиғиштириб олинган ҳосил 30 центнерни ташкил этмоқда. Бу ютуққа Қўрбон Норматов, Гулбаҳор Бонтова, Бекка Қурбонвалар муносиб ҳисса қўшдилар. Зено аъзолари даладаги хом ашёни чамалаб кўриб, яна 20 тонна оқ олтин териб беришга аҳд қилдилар.

В. КЕНЖАБОВ.

Эргаш ИБРОҲИМ.

Шоир иншоми

Толиб Йўлдош

ИМОН—
ЭЪТИҚОД


Имон—эътиқод сўзи.
Авалло нима ўзи?
Билмаган сўраб билсини,
Эътиқод, қулоқ берсин!
Имонли бор, имонсиз,
«Имондилар гуноҳсиз» —
Ростгўй, софдил
одамлар» —
Дер эдилар дадамлар.
Имонсизлар бир бошқа,
Кириб мен шунча ёшга
Уларни кўрмадим, йўқ,
Ҳа, шундан ҳам қўнглим
тўқ,
Одам имонсиз бўлмас,
Бўлса гуноҳсиз бўлмас.
Имон—эътиқод, ихлоос
Бирдек ҳаммамизга хос.
Оталар биллиб айтган:
«Ихлосидан гар қайтган—
Қоғур!» — деганлар бир
вақт
Мўмин-мусулмонлик
бахт.
Имон бу аъмолимиз,
Покликдан, шафқатдандир
Туларни бедорлигу,
Чеккан машаққатдандир.
Эл ичда бурдимиз,

Лабимиз ҳалоқлиги,
Саховатли ўзбенини
Ҳафта бек, ҳолини —
Шу имондан аввало,
Имон билан ҳаётимиз.
Дунёга имон билан
Келганимиз хайрият биз.

НОН ҚОҚИ

Қоқиларнинг ичда,
Аълоос нон қоқимиз.
Нон қоқини еганлар
Бугун умри боқимиз.
Қовун қоқи, шафтоли —
Қоқилар бундай эмас.
Нон қоқидек уларни
Ҳеч ким ораулаб эмас.
Ҳа, нон қоқи беқисс,
Ҳаётимиз, десак кам.
Нон қоқини бор экан,
Қўзлар тўй, беллар
маҳкам.

Қуёш нурин жилваси,
Ҳиди шу нон қоқда.
Халта-халта осигли,
Уйимизда, тоқда.
Истаган чоғда еймиз
Меҳр билан талашиб,
Ултирмаймиз чўччайиб,
Оқим, қора талашиб.
Димоғ ёрар чойларга
Бўқирамиз қондириб,
Нон қадри билмасларнинг
Қўзларини ёндириб.



ИНТИЗОМ

Интизомнинг маъноси
Мен айтгай сен айтлаб
ол хўп.

Ишнинг унмас унингсиз
Ҳеч,
Ҳатто куннинг бўлмади
кеч.

Юзнинг шуват, уятдасан
Ҳоҳ пийда, ҳоҳ отдасан—
Бахтинг сенга

тутқазмайди,
Интизомли шундай улғу,
Интизом-ла ризқинг тулиқ.
Кексаю ёш ҳар бир ишда,
Интизом-ла сўз саришта,
У кирмаган эшик бўлмас,
Интизомли яшар, ўлмас.
Интизомда талай ҳикмат,
Одамлилик, қадр-қиммат,
Қут-баракат ҳаммаси ҳам,
Интизомдир жонга
малкам.

Интизомсиз бўлиш ёмон,
Бу қабохатки беомон.
Бошлаб ундан бурдинг
кетар,
Минг хил қуфат бошта
етар

Элдан чиқиб шундан
бўлар,
Ҳа, ҳолваси ҳали булар.
Оддан ашак ўзиб
кетар...
Уй-рўзгоринг тўзиб кетар.
Сен ўзингдан бу аввалам,
Йўқ, шайинсиз эмас одам.
Оёғингни қараб ташла,
Зағуликка, қани, бошла!

ДОН

Озуқли от ҳоримас деб,
Донимиз бор-нонимиз бор.
Шу дон билан тўқини,
обод.

Яшнар хонадонимиз бор.
Қорни тўқи дон ҳаммиз,
Уйимизнинг қўри-қути.

Доннинг борини? Бор,
вассалом.
Дон борлиги—рўзгор бутн.
Вир кафт моши
бўлмаганлар

Қайнатолмас мошовасия,
Қуюқ-суяқ деган борки,
Аваллош дон ҳаммасини.
Жўҳоринг бор—жон
роҳати.

Таоминг бор алвон-авлон,
Зар дўшили зогораю,
Қозон-қозон гўжа полвон...
Арпа, нўхот, шол, бугдой
Ҳар бирин ҳам қадри улғу.
Ўз ўрнида сули, қўноқ,
Хизматлари учун қуллўқ,
Дон бўлгач бас, ҳар
қайсини

Ўз ўрни бор, йўқ ёмон.
Чорвамизга бирдек толчинг
Поя, кепак, терт, сомон.

БОЛАЛАР
НИГОҲИДА

Ўзбекистонлик ва Янги зе-
ландиялик болалар нигоҳида-
и олам уларнинг кўшма кўр-
газмага қўйилган чиройли
асарларида акс этган. Кўргаз-
ма болалар бадний ижодиёти
республика марказида очилди
ва пойтахтнинг маданий ҳаё-
тидаги муҳим воқеалардан би-
ри бўлди. Кўргазмани очиб
маросимда фақат болалар
эмас, расмлар, кино усталар,
рўзочилар, турли жамоат
ташкилотларининг аъзолари
ҳам қатнашдилар. Кўргазмадан
Янги Зеландиялик мактаб
ўқувчиларининг 80 га яқин,
Ўзбекистонлик болаларнинг 60
тадан кўпроқ иши ўрин олган.

Олис Тинч океанди оро-
ларда жойлашган давлатнинг
аъло расмлари кўргазмага
йўрган асарлар у ерда бўлиб
ўтган танловда энг яхши асар-
лар деб эътироф этилган.
Танловни Янги Зеландия Тинч-
лик тадқиқотлари жамғармаси
ташкил қилган эди. Бу жамоат
ташкилоти Самарқанддаги
Халқаро тинчлик музейи бил-
ан алоқа ўрнатган. Музей
фаоллари бу ерда болалар
чизган расмлар кўргазмасини
ташкил қилиш тақдирини
ташкил қилган эди. Янги Зеландия Тинчлик
тадқиқотлари жамғармаси бу
тақдирга қўшилиб, мактаб
ўқувчиларини «Самарқандга
сўхат» деб аталган танловда
иштирок этишга тақдир қил-
ди. Танлов чоғида олис оро-
ларда болалар Самарқанд ша-
ҳрининг тарихи, маданияти бил-
ан танишдилар. Энг яхши
асарлар олди Самарқандда
намойиш этилди, энди эса, ма-
на, Тошкентга келтирилди.

Кўргазмада намойиш этила-
ётган асарларни Янги Зеландия
авиакомпанияси Ўзбекистон
пойтахтига текинга келириб
берганини ҳам, айтиб ўтиш ке-
рак.

Ўзбекистонлик мактаб ўқу-
чиларининг асарлари ҳам та-

лабчанлик билан танлаб олин-
ган. Болалар бадний ижодиёти
марказининг ходимлари халқ
расмони Рўзи Чориев билан
биргаликда деярли бутун рес-
публикани кезиб чиқдилар.
Улар асарларнинг энг
яхши суратларини саралаб ол-
дилар. Эндиликда шу асарлар
кўргазмада намойиш қилин-
моқда.

— Бу кўргазма икки давлат
болаларининг ўзига хос муло-
қотида, — дейди Ўзбекистон
халқ расмони Рўзи Чориев. —
Уларнинг асарлари гўёки бир-
бирини тўлдирди. Мактаб
ўқувчиларини нималар ҳаяжон-
га солаётгани ҳақида ҳикоя
қилади. Янги Зеландиялик бо-
лалар чизган расмлар бўёқ-
ларнинг ёрқинлиги, дадиллиги,
атрофдаги оламни тасвир-
лашдаги эркинлик билан акс
этиради. Тафаккурдаги
жонлилик — бизнинг болалар-
имизга хос хусусият. Улар
чизган манзара, портрет му-
аллифларнинг ички дунёсини,
руҳий ҳолатини акс эттиради.
Болаларимиз чизган расмлар-
да ҳаётбахшлик нафаси уфу-
риб турганини алоҳида қайд
этиш керак.

Уйлаб болалар биргаликда
чизган катта расм Янги зе-
ландиялик болалар асарлари
орасида энг муҳимидир. Бу
асарни уларнинг Ўзбекистон-
лик тенгдошларига йўллаган
рангтасвирдаги мактуби де-
салади. Унда юзлаб болалар
қўлларининг изи, сеvimли
қўшқичларининг нотолари, ўз-
бекистонликларга истаклари,
Янги Зеландия табиати манза-
ралари акс этган.

Ўзбекистон томонидан Са-
марқанддаги Халқаро тинчлик
музейи, болалар ижодиёти
республика маркази ва бошқа
ташкилотлар кўргазмани таш-
кил этишда қатнашди.

И. ГРЕБЕНЮК,

ЎЗА муҳбири.

БОБО
ТАЪЗИМИ

Отасининг ёнида деҳқончилигини қила-
верди. Қолхўз тузилганида аъзо бўлиб
кириб, меҳнатдан бос кўтармади.
Ҳа, қолхўз тузилгани назарида ке-
чагина эди. Бели маҳкам боғлаб қўриқ
очгани, қовун, тарвуз, пахта экгани ёди-
да.

Мирзамат бобо йўлга чиқди. Бозор-
бошига бормаса бўлмади. Уни қиш-
лоқнинг катталарига эмас, Булоқбоши
туманининг обрўли раҳбарлари кутишти-
пти. Ахир, кечагина бунақанги катта йигин-
ларга оддий фуқарони тақлиф этишга
йўл бўлсин эди. Давра турлари назо-
назолардан бўшамаган. Юз ёшли туғул,
юз эллик ёшга кирганлар бор бўлган
тақдирда ҳам юқорида тақлиф этилма-
ган. Фуқаронинг жойи пойгаддан нари-
га ўтмаган.

Бобо ўз-ўзига таъкидлаб бораётти:
Йўқ, гап ош тортишда эмас. Гап меҳр-
қошбатда, аҳилликда, иноқликда, Орти-
мизнинг куч-қудрати, обрў-эътибори,
кут-баракаси мана шунда. Баракат топув
Президентимиз юрт бошини қовушти-
рди. Ош бир баҳона, ҳолос. Дастурхон
атрофида катта-кичик жамланади. Ёшли
улуглар давра турига ўтказилиб, ҳур-
мат қилинади. Ёшлар хизматда бўлади.
Тўйда фақат яхшиликдан гапиралади,

яхши кунлар режалари тузилади, бе-
морлар, ночорлар йўқланади.

Нашукр бўлиш уят. Бобо кампири
шўрлик кийгаган оҳорли яхтагини
бир марта кўчага кийиб, чирса, чанга
бўяб келарди. Мана, икки йил ичда
асфальт ётқизилмаган кўча қолмади.
Ҳатто молхона йўли ҳам тахтиравон.
Бобо умри бино бўлиб велосипедни ҳам
орзу қилмаган эди. Кунга кеча қишлоқ
ўнгтувчиси Абдуқаҳҳорбек, оддий деҳ-
қон боласи Маҳмаджонлар икки ярим
миллион сўмданга «Жигули» сотиб
олишди. Бир кўча наридаги марҳум
Зинирполловнинг ўғли Қаҳҳоржон-чи.
Қишлоқда дори-дармон ишлаб чиқара-
диган заводнинг пойдеворини кўтариб
қўйди. Агар завод битиб ишга тушадиган
бўлса, қишлоқ дўкчасига қандай
кўри қўшади-я. Шулариинг ҳаммаси
кейинги икки йил ичда юз берди.
Мустақилликка эришмаганимизда булар-
нинг ҳаммаси хом ҳаё эди-ку.

Маҳтаримизга қайтадан фойз кир-
ди. Гузарда катта бозор очилди. Ҳар ша-
ба мола-қўй бозорига келган одамлар
қишлоқ йўлларига сиймай кетарди. Ил-
гари деҳқон битта қўйи ёки молни
Асака ёки Булоқбоши бозорига не-не
азоблар билан олиб бургани кўпчилик
ёйдан кўтарилишни йўл. Буларга шукр
қилмаслик ноинсофлик-ку.

Бобо Пасти маҳалла кўчасидан Бозор-
бошига элтувчи катта асфальт йўлга
чиққанида ёнига тим қора «Мерседес»
машинаси келиб тўхтади. Ундан чақ-
қонлик билан тушган йигит бобога са-
лом берди. Машинага тақлиф этди:

— Зинирполловнинг ўғлимизсан, Қаҳ-
ҳоржонмизсан. Баракат топ ўғлим, бара-
ка топ. Ишинг ўнгидан келсин. Бироз
пийда юргим бор. Ана оз қолди ўзим,
— дея бобо кўнмади.

Бозорбошида қарнай-сурнай садолари
янграмоқда. Чор атрофдан одамлар оқи-
ми тўқилгани келмоқда. Сипо кийин-
ган қариялар, шўхчан ёшлар гузарни
тўлдирмоқда. Чехраларда мамнуният
акси ёлқиланади, қалбларда ҳаяжон.
Бобо бир асрик умри давомида бунақа
шодийнани кўрмаган. Одамлар қалби-
даги бу ғурур ва ифтихор туйғусини
таърифлаш мушкул. Бобо мана шу ман-
зараларни кўриб бораётти. Бир юз би-
ринчи довоғна кўтарилган юратди бир
садо жаранглаётгандай: «Шундай улғу
кунларга, табарруқ айёмга етказганимиз-
га шукр. Шундай шодийналарни кўриш
насиб этганига шукр». Мирзамат бобо-
нинг ўсиқ қошлари остидаги кўзлари-
дан томган ўсиқ опоқ соқолда марварид
донлариди йилтирди. Бу кувонч ёш-
лари. Бу — ўзбекининг ўз эрнига таъ-
зи.

Мирзамат бобо йўлга чиқди. Бозор-
бошига кириб бориш учун эса бир неча
қадам қолди, ҳолос.

Қ. АБДУХАЛИЛОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси таҳририяти
мустақиллигини мустаҳкамлаш, истиқлол маф-
курсини шакллантириш ва унинг асосий йў-
налишларини белгилаб олиш борасида амалга
оширилган ишларни изчил ёритиш, иқти-
содий ишхўрақларнинг қарор топишини тез-
лаштириш ва бошқа долзарб мавзуларни тўла-
қонли акс эттириш мақсадида йил бошидан
бери ўзига хос танлов ўтказиб келмоқда. Бу
ижодий мусобақада ёзувчилар, шоирлар, жур-
налистлар ва бошқа ижодкорлар фаол ишти-
рок этаётганлар. Танлов қатнашчиларини ҳар
жиздан рағбатлантириб бориш мақсадида
ижодий баҳсининг маълум қисмига ойма-ой
яқин чиқарилиб, ғолиблар тақдирланиб ке-
лмоқда. Таҳрир хайратимизининг яқинда бўли-
б ўтган йилги тақдирланиш танловининг август ойи
натияжалари атрофида кўриб чиқилди.

Август ойида газета саҳифаларида Ўзбеки-
стон Республикаси Мустақиллик кунининг икки
йиллигига бағишланган туркум мақолалар,
маҳсул саҳифалар ва бошқа ижод намуна-
лари изчил ёзилди. Истиқлол туғайли
матнавий қадриятларимиз тикланишга, тарихи-
мизга тегаран кўз билан қаралаётганлиги,
матнавийлик сарфшасидан янада кенг-
роқ баҳраманд бўлаётганлигини иқтидорли
журналист, «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси иж-
тимоий ҳаёт бўлими муҳбири Амина Қодиро-
внинг туркум бадний-публицистик мақола-
ларида ўз ифодасини топи. «Эгулик чироғи

ўчмайди», «Ҳақ анинг қўнглидадур», «Дунёга
йўл» ва бошқа туркум мақолалари учун 5
минг сўм миқдоридagi пул мукофоти билан
тақдирланди.

Деҳқончилик-саноат мажмуининг мутахас-
сислари, олимлар, журналистлар ва барча на-
ламашлар республикамизда олиб борилаётган
кенг кўламли бунёдкорлик ишларини, мада-
ний-маърифий жаҳонларда янгиликларни га-
зетамиз саҳифаларида изчил ёритишда фаол
қатнашмоқдалар. Улар учун ҳам алоҳида иж-
одий танлов ташкил этилган бўлиб, ойма-ой
ғолиблар аниқланиб бориётти. Таҳрир хайта-
ти йилги тақдирланиш 5 минг сўм миқдоридagi пул
мукофотини сурхондарёлик изланувчан жур-
налист Сафар Омонқўловга «Тезин томоқ те-
шиб чиқди» сарлавҳали таҳлилий-таъкидлий
мақоласи учун ва тошкентлик ижодкор Мурод
Парихўжаевга «Умрбоқийлик» очерки
учун беришга қарор қилинди. Ўзбекистон
Республикаси Маданият ишлари вазирлиги
ходими С. Сирожидинов, Тошкент Молия
институтини тарих кафедраси муdiri, профес-
сор М. Усмонов, «Янги Тошкент» консерва
комбинатини ишчи Х. Омонов, республика
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пилла этишти-
риш бirlашмаси етакчи мутахассиси А.
Кенжаевлар ўзларининг долзарб мавзулардаги
мақолалари билан фаол қатнашаётганликлари
таъкидлаб ўтилади.

Вилоят ва туман газеталарида фаолият кўр-
сатаётган сурат олувчи журналистлар, расм-
сатар ва нашрларни безатувчи бошқа ижод-
корлар таҳририятимизнинг энг яқин кўмак-
чилари ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам
улар ўртасида йил бошидан бери алоҳида
танлов ўтказилиб, ғолиблар тақдирланиб ке-
ллинапти. Газетачиликда заҳматли ишга
жон-дили билан берилган, ўз касбига ғоят са-
доқатли бўлган найарликли Камол Турсунов
қарийб йигирма йил давомида таҳририятимиз
билан ижодий ҳамкорлик қилиб келди. У га-
зетамиз саҳифаларида август ойида қишлоқ
меҳнаткашлари ҳаётига бағишланган туркум
фотосуратлари билан қатнашган эди. Афсу-
ски, яқинда у оламдан кўз юмди. Таҳрир
хайратий йилги тақдирланиш август ойи натижалари
кўра марҳум Камол Турсуновни танлов ғо-
либлари сағига қўйишга қарор қилинди.

Серқўйш юртимиз меҳнаткашлари учун ғоят
масъулиятли масвум — пахта йигити-теу-
ми бошланмоқда. Элли кийинтираётган мўл-
қўнчиликни татминлаётган жаҳонкаш киши-
ларнинг тинчликларини тўлақонли яратиш,
уларнинг озу-итишларини газета саҳифа-
ларига олиб чиқиш қаламашларнинг мува-
дас бурчи ҳисобланади. Барча ижодкорларни
«Қишлоқ ҳақиқати» танловиди фаол қатна-
шишга чақирамиз.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ «ҲОЖАТБАРОР» ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ
МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25
БУЮРТМАЛАРИНИГ ТИЗДА АДО ЭТИЛАДИ

ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИ,
ЖАМОА ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА



Пахта йигити-терими мавсумида хирмонлар — бунтлар устини
ёпишда брезент ва бошқа чодирбоп материалларга талаб-эҳтиёж
ғоят ортади. Кўпчилик уларни қидириб, қимматли вақтларини
зоё кетказадилар. Бизнинг ташкилот шу масалада

Сизларга ёрдам беришга тайёр:
пахта хирмонларини устини ёпиш учун пишиқ-пухта
чодирбоп материални, шунингдек мелиорация
ишларида қўлланиладиган тўқима қопламани
СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Бундан ташқари барча ташкилотлар қўйидаги хом ашёлар ва молларни ҳам харид қилишлари мумкин:
— 9-, 14-, 16-, 18-, 20- атторлик — галантерия гуруҳларига мансуб, барча рангдаги
сунъий чармлар;

— пояфзал картони;
— эркаклар, аёллар, болалар пояфзалларининг юқори қисми — дастаги;
— пояфзал чарчи;
— линолеум.

Сотиб олинган хом ашё ва маҳсулотларга
ҳақ тўлаш Тошкентда амалга оширилади.
Харид қилинган моллар бир ой давомида етказиб берилади.
Юқорида таъкидланган хом ашё ва маҳсулотлар линт билан айирбошланиши ҳам мумкин.
Мулоқот учун Тошкентдаги телефонлар: 32-10-53; 33-80-41.

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИ ЗАМОНАВИЙ УСҚУНАЛАРНИ

СОТАДИ:

1. ЯПОНИЯНИНГ «ТОШИБА» ФИРМАСИ ТОМОНИДАН ИШ-
ЛАБ ЧИҚАРИЛГАН 11 КВТДАН 75 КВТГАЧА, МИНУТИГА 750
ДАН 3000 ГАЧА АЙЛАНИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН ЭЛЕКТРО-
ДВИГАТЕЛЛАРИ;
2. ҲАМДУСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА ТАЙЕРЛАНГАН 2,2
КВТДАН 5,5 КВТГАЧА, МИНУТИГА 950 ДАН 3000 ГАЧА АЙЛА-
НИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРИ.
КЕЙИНГИ ТАЪКИДЛАНГАН ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАР МАҲ-
СУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН КОРХОНА ТОМОНИДАН ҚЎЙИЛ-
ГАН БАҲО БЎЙИЧА СОТИЛАДИ.
БУНДАН ТАШҚАРИ УШБУ ТАШКИЛОТ РЕСПУБЛИКАДАН
ТАШҚАРИГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ЛИЦЕНЗИЯСИ БЎЛГАН ҚИШ-
ЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ПУЛ УТКАЗИШ ЙЎЛИ
БИЛАН

СОТИБ ОЛАДИ

Мулоқот учун телефон: 78-67-21, телефакс 45-75-67.

ШИРКАТЛАР, ОВҚАТЛАНИШ ШОХОБЧАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ
ВА ТАДБИРҚОРЛАР ЭЪТИБОРИГА

Москвадаги йирик ва замонавий
корхонада ишлаб чиқарилган, соа-
тига 12 килограмм турли макарон
маҳсулотлари тайёрлаш қуввати-
га эга бўлган «Макма-м» машинаси
сотилади. Барча иш жараёнлари
механизация ёрдамида тез адо эти-
ладиган ушбу агрегатни лағмон ха-
мирини чиқаришга ҳам мослашти-
риш мумкин. Бу машинада турли
йўғонликдаги макарон, рожки, вер-

мишел ва бошқа маҳсулотларни
тайёрлаш кўзда тутилган.
Тошкентдаги 97-93-59 рақамли теле-
фонга қўнғироқ қилсангиз қўшимча
маълумотлар оласиз.

Тошкент Давлат аграр
университети раҳбария-
ти, касабга уюшмаси, ку-
митаси молия, байи ва
баҳо муносабатлари ка-
федраси доценти С. Муқ-
симова онаси
Турсун
МУҲИТДИНОВАнинг
вафот этганини муноса-
бати билан чуқур таъзия
билдиради.

Бош муҳаррир Н. ВКУБОВ.

Рўзнома таҳрир хайъати: М. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ,
М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош му-
ҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛМОВ (бош муҳаррир ўри-
босари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИҶОНОВ,
К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Респуб-
лиси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўз-
плодоовощчинпром» концерни, Ўзе-
кистон Республикаси Адлия вазирлиги,
«Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жа-
моаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Масъул котиб ўринбосарлари —
32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш сановати бўлими — 32-56-31. Иқтимоий ҳаёт
бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиш бўлими — 32-56-33. Маданият,
адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий
органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.